

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12. 2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ПОПЕНКОВ АРТУР ВИКТОРОВИЧ

**7 ЁШДАГИ ОРТИҚЧА ВАЗНЛИ ВА СЕМИЗЛИГИ БЎЛГАН
БОЛАЛАРДА ЮРАК ҚОН-ТОМИР ТИЗИМДАГИ
БУЗИЛИШЛАРИНИНГ ХАВФ ОМИЛЛАРИ ВА КЛИНИК-
ФУНКЦИОНАЛ МАРКЕРЛАРИ**

14.00.09 - Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ва муалифлик автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Попенков Артур Викторович

7 ёшдаги ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган
болаларда юрак қон-томир тизимдаги
бузилишларининг хавф омиллари
ва клиник-функционал маркерлари..... 3

Попенков Артур Викторович

Факторы риска и клинико-функциональные
маркеры нарушения сердечно-сосудистой системы
у детей 7 лет с избыточным весом и ожирением..... 31

Popenkov Artur Viktorovich

Risk factors and clinical-functional markers
of cardiovascular system disorders in 7-year-old
children with overweight and obesity..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 65

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12. 2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ПОПЕНКОВ АРТУР ВИКТОРОВИЧ

**7 ЁШДАГИ ОРТИҚЧА ВАЗЛИ ВА СЕМИЗЛИГИ БЎЛГАН
БОЛАЛАРДА ЮРАК ҚОН-ТОМИР ТИЗИМДАГИ
БУЗИЛИШЛАРИНИНГ ХАВФ ОМИЛЛАРИ ВА КЛИНИК-
ФУНКЦИОНАЛ МАРКЕРЛАРИ**

14.00.09 - Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2022.2.PhD/Tib2734 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедова Дилором Илхамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шамансурова Элмира Амануллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Камилова Алтиной Турсунбаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ кунни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Т.А. Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.М. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда эпидемиологик тадқиқотлар натижаларига кўра, охириги ўн йилликда ортиқча вазн ва семизлик, айниқса болалик даврида, дунёнинг энг муҳим глобал муаммолардан бўлиб, учраш даражаси тобора ортиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, “...2022 йилда 5-19 ёшдаги 390 миллиондан ортиқ болалар ва ўсмирлар ортиқча вазнга эга бўлган, улардан 160 миллиони семизликдан азобланган. 5 ёшдан 19 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ўртасида ортиқча вазн ва семизликнинг тарқалиши 1990 йилдан 2022 йилгача кескин ошган, 8 % дан 20 %гача. 2022 йилда 5 ёшгача бўлган ортиқча вазн ёки семизликли болаларнинг деярли ярми Осиё давлатларига тўғри келган”. Болаликдаги ортиқча вазн ва семизлик, кейинчалик болалар ва ўсмирларнинг саломатлигига таъсир кўрсатади, турли ноинфекцион касалликларни эрта ривожланиш хавфини, шу жумладан, юрак-қон томир касалликлари, 2 тур қандли диабет ва бошқа касалликларни ривожланишига олиб келади.¹ Болаликдаги семизлик катта ёшда юрак қон томир касалликларига олиб келади.² Болаларда 7-9 ёшида томирлар атеросклеротик шикастланиш белгиларини ҳамда ундан эрта ёшда эндотелиал хужайра дисфункциясини аниқлаш мумкин.³

Жаҳондаги илмий тадқиқотларда болаларда юқумли бўлмаган касалликларни олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. Ортиқча вазн ва семизлик частотасини, ривожланишини белгиловчи омилларни аниқлашга асосланган ташкилий-профилактика чора-тадбирлари дастурини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бунда, ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган болаларнинг юрак-қон томир тизимининг функционал хусусиятларини, хавф омилларини, юрак-қон томир тизимидаги бузилишларнинг асосий клиник-функционал маркерларини аниқлаш, шунингдек уларни олдини олиш дастурини ишлаб чиқиш, жаҳонда долзарб илмий муаммолардан биридир.

Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, жумладан, оналар ва болалар ўртасида касалликларнинг олдини олиш, тўғри овқатланиш, жисмоний фаолликни ошириш орқали болаларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши ва саломатлигини таъминлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда⁴. Ўзбекистонда 0-17 ёшли болалар жами аҳолининг 34,9 %ини ташкил этиб, уларнинг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши

¹ ВОЗ. Ожирение и избыточная масса тела. 2024. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/obesity-and-overweight>.

² Sommer A, Twig G. The impact of childhood and adolescent obesity on cardiovascular risk in adulthood: a systematic review. *Curr Diab Rep.* 2018; 18-91

³ Hedvall Kallerman P, et al. Obese children without comorbidities have impaired microvascular endothelial function. *Acta Paediatr.* 2014; 103:411

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли “2022 — 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисидаги” қарори

ҳисобланади. Шу муносабат билан бугунги кунда дунёда ортиқча вазн ва семизлик, уларнинг оқибатлари, хусусан, юрак-қон томир тизими касалликларининг олдини олиш орқали болаларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши ва саломатлигини таъминлаш долзарб муаммо ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги”, 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли “2022 — 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг етакчи тиббиёт университетлари ва клиникаларида болаларда семизлик муаммоларини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тадқиқот натижаларига кўра, ҳомилаичи бузилишлари, ҳомиладорликдан олдин онада семизликнинг мавжудлиги, ҳомиладорлик пайтида онанинг ёмон одатлари болаларда семириш хавфини бир неча марта ошириши аниқланган (Baran J, et.al., 2020, С.37); чала туғилиш ҳам ортиқча вазн ва семизлик омилларидан биридир (Wallby T., 2017, С.48-53); ортиқча вазн билан туғилган болаларда ҳам кейинчалик семизликнинг ривожланиши ва оқибатлари кузатилган (Zou Z., et.al., 2019; Rito AI., et.al., 2019; Lee J.W., et.al., 2019). Кесарча кесиш билан туғилган болаларда ўсмирлик даврида семизликни ривожланиш хавфи 1,5 баробардан кўпроқ эканлиги аниқланган (Mueller N.T., et.al., 2017; Blustein J., et.al., 2017). Ота-оналарда кузатилган семизлик, уларнинг фарзандларида ҳам семизлик ривожланишининг башоратчиси бўлиб хизмат қилиши аниқланган. Агар ота-оналардан бирида семизлик кузатилса, болада семизлик хавфи 2-3 баравар ортади, агар ота-онанинг иккаласида ҳам кузатилса, хавф 15 баробар ортади (Weihrauch-Blüher S., et.al., 2018; Martínez-Villanueva J., et.al., 2019). Ортиқча вазн ва семизликнинг ривожланишида болаларнинг жисмоний фаоллиги ва турмуш тарзи алоҳида ўрин тутади.

МДХ мамлакатлари олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, ортиқча вазн ва семизлик кам жисмоний фаоллик, нонушта қилмаслик ва кундалик рационда сабзавотларнинг етарли эмаслиги туфайли юзага келган (Намазова-Баранова Л.С., ва бошқалар., 2019). Ортиқча вазн ва семизликнинг барча омиллари ўзаро таъсирга эга эканлиги, уларнинг аксариятини ота-оналар ва ўқитувчилар билан профилактик суҳбат орқали камайтириш мумкинлиги аниқланган

(Чубаров Т.В., ва бошқалар, 2021). Маълумки, болаларда семизлик барча орган ва тизимларга таъсир қилади. Юрак-қон томир тизими организм мослашувининг барча иерархик даражаларида ҳал қилувчи рол ўйнаши аниқланган. Болаликда семизликнинг мавжудлиги катта ёшда юрак-қон томир тизими касалликларига олиб келади (Нетребенко О.К. и соавт., 2017) Кўплаб тадқиқотларга кўра, семизлик болалар ва ўсмирларда тўсатдан ўлим юзага келишининг энг юқори хавfli сабабидир, унинг асосий сабабларидан бири болаларда юрак-қон томир касалликларининг мавжудлигидир.

Мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам болаларда ортиқча вазн ва семизлик муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Ўзбекистонда овқатланишни ўрганиш, 2019; Агзамова Ш.А., Хасанова Г.М., 2022). Шунга қарамасдан, 7 ёшдаги ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган болаларда юрак-қон томир тизими касалликларининг хавф омиллари ва клиник-функционал маркерларини аниқлаш бўйича кам ўрганилган. Мамлакатимизда 7 ёшдаги, яъни болаларда ўсиш ва ривожланиш даврида, таълимнинг бошланиши билан боғлиқ бўлган бошқа турмуш тарзига ўтадиган ёшда, ортиқча вазн ва семизликнинг устувор омилларини аниқлаш учун ЖССТ томонидан тавсия этилган халқаро воситалар ёрдамида кенг кўламли тадқиқотлар ўтказилмаган.

Шуни таъкидлаш жоизки, 7 ёшдаги болаларда ортиқча вазн ва семизликни учраш частотаси ва хавф омилларини, ҳамда шу гуруҳдаги юрак-қон томир тизими касалликларининг хавф омиллари ва клиник-функционал бузилишларини эрта аниқлаш ва олдини олиш муаммосининг етарли даражада ишланмаганлиги бу йўналишда мақсадли тадқиқотлар олиб бориш заруратини асослайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 01980006703-сон “Болаларда туғма ва орттирилган касалликларнинг диагностикаси, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш” (2020-2023) илмий мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади Ўзбекистоннинг 4 ҳудудида 7 ёшдаги болаларда ортиқча вазн ва семизликнинг ривожланиш частотаси ва омилларини ўрганган ҳолда 7 ёшдаги ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган болаларда юрак-қон томир тизимдаги бузилишларининг хавф омиллари ва клиник-функционал маркерларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республикамизнинг 4 та ҳудудида 7 ёшдаги болалар орасида ортиқча вазн ва семизликнинг частотасини аниқлаш, ҳамда шаҳар ва кишлок жойларда яшовчи болалар ўртасидаги кўрсаткичларга қиёсий баҳолаш;

Ўзбекистон Республикасининг ўрганилаётган ҳудудларида болаларда ортиқча вазн ва семизликга олиб келадиган асосий омилларни баҳолаш;

7 ёшдаги ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган болаларда юрак-қон томир тизимининг клиник ва функционал бузилишларини аниқлаш;

коррелятив ўзаро боғлиқликга асосланиб, ортиқча вазн ва семизлиги бўлган болаларда юрак-қон томир тизими бузилишларининг асосий омиллари ва клиник-функционал маркерларини баҳолаш;

7 ёшдаги болаларда ортиқча вазн ва семизликнинг ривожланиш омилларини эрта аниқлаш асосида юрак-қон томир тизимининг функционал бузилишларининг олдини олиш дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳри, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида яшовчи 7 ёшдаги 846 нафар ҳамда юрак-қон томир тизимининг ҳолатини ўрганиш учун нормал вазнли, ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган 120 нафар болаолинган.

Тадқиқот предмети сифатида болаларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари, ота-оналар орасида сўровнома, юрак-қон томир тизимининг клиник ва функционал кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник, антропометрик ўлчовлар, сўровнома, қон босими мониторинги, электрокардиография, кардиоинтервалография усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

7 ёшли болаларнинг антропометрик текширув натижалари асосида Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи болаларда Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида яшовчи болаларга нисбатан, соғлом овқатланиш тартибига риоя қилинмаслиги, жисмоний фаоллигининг камлиги билан боғлиқ ҳолда ортиқча вазн ва семизлиги мавжуд бўлганларнинг кўпроқ учраши исботланган;

ортиқча вазни ва семизлиги бўлган 7 ёшдаги болаларда жисмоний фаолликнинг кунига 2 соатдан камлиги ($RR=2,38$, $p<0,05$), электрон қурилмалардан кунига 2 соатдан кўпроқ ($RR=2,27$, $p<0,05$) фойдаланилганлиги, таркибида шакар мавжуд бўлган алкоғолсиз ичимликларни тез-тез истеъмол қилинганлиги ($RR=2,24$, $p<0,05$), анамнезида гўдаклик даврида сунъий озиқлантирилганлиги ($RR=3,27$, $p<0,05$), кўкрак сути билан озиқлантириш давомийлиги 6 ойдан ($RR=2,72$, $p<0,05$) ва бир йилдан ($RR=2,29$, $p<0,05$) кам давом этганлиги юрак-қон томир тизими касалликлари ривожланишига олиб келиши исботланган;

семизлик билан хасталанган 7 ёшдаги болаларда юрак-қон томир тизими функционал бузилишларида қоринчаларнинг эрта реполяризацияси синдроми, юрак ўтказувчанлигининг носпецифик бузилишлари, юрак вариабеллигининг LF/HF спектрал кўрсаткичлари нисбати 1,0 дан ($1,10\pm 0,04$, $p<0,01$) юқорилиги, зўриқиш индексининг 130 ш.б. дан ошиши ($170,6\pm 14,4$ ш.б., $p<0,01$) маркерлари сифатида хизмат қилиши исботланган;

комплекс равишда оилада, мактабда ва шахсан боланинг овқатланиш тарзини ўзгартиришга қаратилган дастурнинг ишлаб чиқилиши ва тадбиқ этилиши 7 ёшли болаларда ортиқча вазн ва семизликда юрак-қон томир тизимининг функционал бузилишларини олдини олиш, уларни ривожлантирувчи омилларни эрта аниқлаш ва бартараф этишдаги самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг 4 та ҳудудида (Тошкент шаҳри, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари) 7 ёшдаги болаларда жинси ва яшаш жойига (шаҳар ва қишлоқ) қараб, ортиқча вазн ва семизликнинг учраш частотасини аниқланиши асосланган;

7 ёшдаги болаларда ортиқча вазн ва семизлик ривожланишига олиб келувчи омилларни аниқлаши асосланган;

ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган болаларда юрак-қон томир тизимининг клиник-функционал бузилишларини аниқлаши асосланган;

ортиқча вазн ва семизлиги бўлган 7 ёшдаги болаларда хавф омиллари ва юрак-қон томир тизими бузилишларининг клиник-функционал маркерлари ўзаро боғлиқлик муносабатлари асосланган;

юрак-қон томир тизимининг клиник-функционал бузилишларини, шу жумладан артериал гипертензия ва юрак уриш маромининг ўзгарувчанлигини эрта аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилиши асосланган;

7 ёшдаги болаларда ортиқча вазн ва семизликни эрта аниқлашнинг оптимал схемалари билан юрак-қон томир тизимининг бузилишлари ва касалликларини олдини олиш дастури ишлаб чиқилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда замонавий услуб ва ёндашувлардан фойдаланиш, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мувофиқлиги, умумий клиник кўринишга асосланганлиги, текширилган беморларнинг етарлилиги, ўтказилган тадқиқотнинг услубий аниқлиги, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари, тадқиқот натижаларини халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 7 ёшдаги ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган болаларда юрак-қон томир тизимининг бузилишларининг хавф омиллари ва клиник функционал маркерлари аниқланганлиги, улар семизликни ва унинг асоратларини эрта аниқлаш, хусусан, болаларда юрак-қон томир тизими бузилишларининг ривожланиши хавфини камайтиришга олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти оила, болалар овқатланиши ва мактаб даражасида ортиқча вазн ва семизлиги бўлган болаларда юрак-қон томир тизимининг бузилишларини эрта аниқлаш ва олдини олиш бўйича дастур ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган 7 ёшли болаларда юрак-қон томир тизимининг бузилишларининг хавф омиллари ва клиник-функционал маркерларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: 7 ёшли болаларнинг антропометрик текширув натижалари асосида Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи болаларда Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида яшовчи болаларга нисбатан,

соғлом овқатланиш тартибига риоя қилинмаслиги, жисмоний фаоллигининг камлиги билан боғлиқ ҳолда ортиқча вазн ва семизлиги мавжуд бўлганларнинг кўпроқ учраши ҳақидаги натижалар "7 ёшдаги болаларда жисмоний ривожланиш ва семизликнинг хавф омиллари" услубий тавсиясига киритилган ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 1 майдаги 03/252-сон қарори билан тасдиқланган. Қорақалпоғистон Республикаси Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024-йил 13-майдаги 40-сон ва Тошкент вилояти вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024-йил 10-майдаги №ИЧН-156-сонли буйруқлари билан амалиётга тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техника кенгашининг 07.08.2024 йилдаги 2-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** 7 ёшдаги болаларда ортиқча вазн ва семизликнинг омилларини эрта аниқлаш ушбу гуруҳдаги болаларда юрак-қон томир тизимининг клиник-функционал бузилишларини ривожланиш хавфини ўз вақтида аниқлаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** болаларда аниқланган семизлик хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда, 846 боладан 44 нафарида семизлик ва юрак қон-томир касалликлари ривожланиши хавфи аниқланди, бунинг натижасида педиатрга ташриф буюриш учун 100000 сўм ва шифохонада 1 кун даволаш учун 80000 сўм, жами 180000 сўм иқтисод қилинди, шундай қилиб, семизлиги бўлган 44 нафар бола учун қунига 7920000 сўм иқтисод қилинган. **Хулоса:** Семизлик хавфи ва юрак-қон томир бузилишларининг клиник-функционал белгиларини эрта аниқлаш натижасида кейинги асоратлар хавфи камайтирилди ҳамда ҳар бир бола учун педиатрга мурожаат қилиш ва шифохонада бир кунлик даволаниш учун бюджет маблағларидан 180000 сўм тежалган.

иккинчи илмий янгилик: ортиқча вазни ва семизлиги бўлган 7 ёшдаги болаларда жисмоний фаолликнинг қунига 2 соатдан камлиги ($RR=2,38$, $p<0,05$), электрон қурилмалардан қунига 2 соатдан кўпроқ ($RR=2,27$, $p<0,05$) фойдаланилганлиги, таркибида шакар мавжуд бўлган алкоғолсиз ичимликларни тез-тез истеъмол қилинганлиги ($RR=2,24$, $p<0,05$), анамнезида гўдаклик даврида сунъий озиқлантирилганлиги ($RR=3,27$, $p<0,05$), кўкрак сути билан озиқлантириш давомийлиги 6 ойдан ($RR=2,72$, $p<0,05$) ва бир йилдан ($RR=2,29$, $p<0,05$) кам давом этганлиги юрак-қон томир тизими касалликлари ривожланишига олиб келиши "7 ёшдаги болаларда жисмоний ривожланиш ва семизликнинг хавф омиллари" услубий тавсиясига киритилган ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 1 майдаги 03/252-сон қарори билан тасдиқланган. Қорақалпоғистон Республикаси Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024-йил 13-майдаги 40-сон ва Тошкент вилояти вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024-йил 10-майдаги №ИЧН-156-сонли буйруқлари билан амалиётга тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-

техника кенгашининг 07.08.2024 йилдаги 2-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** эрта болалик даврида сунъий озиклантириш, она сути билан эмизиш муддати 6 ойлик ва бир йилдан кам бўлган семизликни омилларини аниқлаш, шунингдек, она сути билан эмизишни ривожлантиришга қаратилган профилактика чоралари семизлик билан боғлиқ асоратларнинг олдини олишга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** болаларда семизлик хавф омилларини аниқлаш натижасида 846 нафар боладан 65 таси сунъий озиклантиришда эканлиги аниқланган. Бунинг оқибатида сунъий аралашмалар учун харажатлар 36000 сўмни ташкил этди. Бир кунда 65 нафар бола учун жами ўртача 2340000 сўм харажатларни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** эрта ёшда семизликнинг хавф омилларини аниқлаш, кунига 1 болага сунъий аралашмаларга сарфланадиган 36000 сўмни тежаш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: семизлик билан хасталанган 7 ёшдаги болаларда юрак-қон томир тизими функционал бузилишларида қоринчаларнинг эрта реполяризацияси синдроми, юрак ўтказувчанлигининг носпецифик бузилишлари, юрак вариабеллигининг LF/HF спектрал кўрсаткичлари нисбати 1,0 дан ($1,10 \pm 0,04$, $p < 0,01$) юқорилиги, зўриқиш индексининг 130 ш.б. дан ошиши ($170,6 \pm 14,4$ ш.б., $p < 0,01$) маркерлари сифатида хизмат қилиши "7 ёшдаги болаларда жисмоний ривожланиш ва семизликнинг хавф омиллари" услубий тавсиясига киритилган ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 1 майдаги 03/252-сон қарори билан тасдиқланган. Қорақалпоғистон Республикаси Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024-йил 13-майдаги 40-сон ва Тошкент вилояти вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024-йил 10-майдаги №ИЧН-156-сонли буйруқлари билан амалиётга тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техника кенгашининг 07.08.2024 йилдаги 2-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ортиқча вазн ва семизлиги бўлган болаларда юрак-қон томир бузилишларининг белгиларини (LF/HF, ЗИ) эрта аниқлаш уларнинг асоратларини ўз вақтида олдини олишга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** Болаларда аниқланган семизлик хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда, 120 боладан 24 нафарида семизлик ва юрак-қон томир тизимининг функционал бузилишлари аниқланди. Бунинг натижасида, педиатрга, болалар кардиоревматологига ташриф буюриш ва ЭКГ ўтказиш учун 150000 сўм, шунингдек, шифохонада 1 кунлик даволаниш учун 80000 сўм, жами 230000 сўм тежалди. Семизлик ва юрак-қон томир тизимининг функционал бузилишлари бўлган 24 нафар бола учун бир кунда 5520000 сўм маблағ тежалган. **Хулоса:** ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган болаларда юрак қон-томир касалликлари маркерларини эрта аниқлаш педиатр, кардиоревматологга мурожаат қилиш, ЭКГ ўтказиш ва 1 болага бир кунлик шифохонада ётиш учун 230000 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: комплекс равишда оилада, мактабда ва шахсан боланинг овқатланиш тарзини ўзгартиришга қаратилган дастурнинг ишлаб чиқилиши ва тадбиқ этилиши 7 ёшли болаларда ортиқча вазн ва семизликда юрак-қон томир тизимининг функционал бузилишларини олдини олиш, уларни ривожлантирувчи омилларни эрта аниқлаш ва бартараф этишдаги самарадорлиги натижалари "7 ёшдаги болаларда жисмоний ривожланиш ва семизликнинг хавф омиллари" услубий тавсиясига ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 1 майдаги 03/252-сон қарори билан тасдиқланган. Қорақалпоғистон Республикаси Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024-йил 13-майдаги 40-сон ва Тошкент вилояти вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024-йил 10-майдаги №ИСН-156-сонли буйруқлари билан амалиётга тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техника кенгашининг 07.08.2024 йилдаги 2-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** юрак-қон томир тизимининг функционал бузилишларининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган дастур болаларда кейинчалик кузатиладиган артериал гипертензия хавфини камайтиришга, бу эса касалхонада ётиш ва дори-дармонларни тежашга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** аниқланган семизлик хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда, 120 боладан 12 нафариди семизлик ва артериал гипертензия аниқланди, бунинг натижасида педиатр, болалар кардиоревматологига ташриф буюриш ва ЭКГ ўтказиш учун ўртача 150000 сўм, шунингдек, шифохонада 1 кун ётиш учун 80000 сўм ва гипотензив дори воситалари учун 1000 сўм иқтисод қилинди. Шунингдек, асоратлар ривожланганда ногиронлик ва бола парвариши бўйича тўловлар кунига 24000 сўмни ташкил этган бўлса, 1 кун учун жами тўловлар 255000 сўмни ташкил этган. Семизлик ва юрак-қон томир тизими функционал бузилишлари бўлган 12 нафар бола учун кунига 3060000 сўм иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** семизлиги бўлган болаларда хавф ва клиник-функционал маркерларни эрта аниқлаш ҳамда юрак қон-томир тизими функционал бузилишлари ва артериал гипертензиянинг олдини олиш дастури юрак қон-томир тизими касалликларидан касалланиш ва ногиронликни камайтиришга ёрдам берди ва педиатр, кардиоревматологга мурожаат қилиш, ЭКГ ўтказиш, бир кунлик стационар даволаниш, антигипертензив дори воситаларини қабул қилиш ва бола парвариши учун тўловларни 255000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш эълон қилинган, шундан 7 та мақола, шу жумладан 3 та республика ва 4 та хорижий Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда эълон қилинган.

Диссертация структураси ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва техникасини ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар кўрсатилган.

Диссертациянинг **"Ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган болаларда юрак қон томир тизимдаги бузилишларининг хавф омиллари ва клиник-функционал маркерлари ҳақидаги замонавий қарашлар"** номли биринчи бобида болаларда ортиқча вазн ва семизлик муаммолари, шу жумладан эпидемиологияси, ривожланиш омиллари ва уларнинг соғлиғига, айниқса юрак-қон томир тизимига таъсири бўйича адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Болаларда юрак-қон томир тизимининг функционал хусусиятлари ва уларнинг бузилишларини келтириб чиқарадиган омиллар, шунингдек, уларнинг ривожланишида ортиқча вазн ва семизликнинг роли ҳақидаги адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **"Материаллар ва тадқиқот усуллари"** иккинчи бобида клиник материал ва тадқиқот усуллариининг умумий тавсифи берилган.

Тадқиқотлар Тошкент шаҳри, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида яшовчи 7 ёшдаги 966 нафар болада олиб борилди.

Иш 2 босқичда амалга оширилди, биринчи босқичда антропометрик ўлчовлар ўтказилди, уларнинг натижалари ЖССТ томонидан тавсия этилган болаларнинг ўсиши ва ривожланиши стандартларига (2009) мувофиқ баҳоланди, шунингдек, болаларда семизликни эпидемиологик назорат қилиш бўйича республикамиз ҳам киритилган Европа тармоғи (COSI) дастурини амалга ошириш учун ЖССТ экспертлари томонидан тавсия этилган саволлар бўйича болаларнинг ота-оналари ўртасида сўров ўтказилди. 7 ёшда бўлган 846 нафар бола – Ўзбекистон Республикасининг 4 та ҳудудидаги умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари: Тошкент шаҳрида – 278 нафар, Жиззах вилоятида – 127 нафар, Сирдарё вилоятида – 101 нафар, Тошкент вилоятида – 340 нафар бола кўриқдан ўтказилган.

2-босқичда 7 ёшдаги 120 нафар болада юрак-қон томир тизимининг функционал ҳолатини ўрганиш учун клиник кузатиш ҳамда электрокардиография ва кардиоинтервалография кўрсаткичлари асосида юрак-қон томир тизимининг клиник ва функционал кўрсаткичлари

аниқланган. Болалар 3 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ – 24 нафар семизлиги бўлган бола; 2-гуруҳ - 29 нафар ортиқча вазнли бола. Назорат гуруҳини ТВИ меъёрда бўлган 67 нафар амалий жиҳатдан соғлом бола ташкил қилди. Ушбу босқич Тошкент шаҳридаги шаҳар ўсмирлар диспансерида ўтказилган.

Олинган барча тадқиқот натижаларига Microsoft Office Excel-2019 дастурий пакетидан фойдаланган ҳолда шахсий компьютерда статистик ишлов берилган. Ўртача арифметик (M), ўртачанинг стандарт хатоси (m) ва корреляция коэффициентлари (r)ни ҳисоблашда вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди. Кўрсаткичларни таққослашдаги ўзгаришларнинг статистик аҳамияти Стьюдент (t) тести ёрдамида ҳисоблаб чиқилган.

Хар бир омил бўйича семизлик ривожланишининг нисбий хавфи махсус формула ёрдамида 1 дан юқори бўлган (95%) ишонч оралиғи билан ҳисоблаб чиқилди. Ишлаб чиқилган дастурнинг самарадорлиги кросс-валидация усули билан баҳоланди.

Диссертациянинг “Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида 7 ёшдаги болаларда ортиқча вазн ва семизликнинг ривожланиш частотаси ва омиллари” номли учинчи бобида Ўзбекистоннинг 4 та ҳудуди: Тошкент шаҳри, Жиззах, Сирдарёда ва Тошкент вилоятларида яшовчи 7 ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланишига оид маълумотлар келтирилган.

Олинган антропометрик ўлчовлар ва ҳисоб-китоблар таҳлили шуни кўрсатдики, умумий ўртача кўрсаткичлар ўғил болаларда ўртача вазн $25,32 \pm 0,23$ кг, қизларда $24,13 \pm 0,21$ кг ташкил этди; ўртача бўй - мос равишда $125,05 \pm 0,27$ см ва $123,94 \pm 0,28$ см; ВБИ индикатори мос равишда $16,10 \pm 0,11$ кг/м² ва $15,64 \pm 0,09$ кг/м² (жадвал 1) ташкил этди.

1-жадвал

7 ёшдаги болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Ўғил болалар (n=452)	Қиз болалар (n=394)
Вазн, кг	$25,32 \pm 0,23$	$24,13 \pm 0,21$
Бўй, см	$125,05 \pm 0,27$	$123,94 \pm 0,28$
ВБИ, кг/м ²	$16,10 \pm 0,11$	$15,64 \pm 0,09$
Бел, см	$56,85 \pm 0,25$	$55,10 \pm 0,22$


Бу ўртача кўрсаткичлар ЖССТ стандартларига мувофиқ, 7 ёшдаги болалар учун нормал ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларига мос келади, шунга қарамасдан болаларни индивидуал текширганимизда жисмоний ривожланишида нормадан оғишларни кўришимиз мумкин.

Антропометрик кўрсаткичлар ЖССТнинг махсус AnthroPlus (2009) дастури ёрдамида баҳоланди. Баҳоланган 3 та кўрсаткичдан фойдаланган ҳолда амалга оширилди: WAZ (Weight for age) – ёшга нисбатан тана вазни/массаси, HAZ (Height for age) – ёшга нисбатан бўй ва BAZ (BMI for age) – ёшга нисбатан тана вазни индекси. ЖССТ тавсияларига кўра, юқоридаги кўрсаткичлар бўйича стандарт оғиш нормативлари белгиланган WAZ:<-2 SDS - ёш учун кам

вазн; -2-+1 SDS - норма; >+1 SDS – ёшга нисбатан вазн ортиши; HAZ: <-2 SDS – паст бўй; -1-+2 SDS - нормал бўй; >+2 SDS – баланд бўй; BAZ: <-1 SDS – вазн етишмаслиги; -1-+1 SDS – нормал овқатланиш; +1-+2 SDS - ортиқча вазн; >+2 SDS семизлик (ЖССТ. 2009).

Тадқиқотимиз натижаларига кўра, <- 2 SDS га мос келадиган WAZ кўрсаткичлари ўғил болаларнинг 2,21% да ва қиз болаларнинг 2,28 %да қайд этилган. -2 дан +2 гача бўлган WAZ кўрсаткичлари 92,04% ўғил болаларда ва 95,18% қиз болаларда кузатилган. Ўғил болаларнинг 5,75% ва қиз болаларнинг 2,54 %да +2 SDS дан ортиқ оғиш аниқланган. HAZ кўрсаткичларига бўйича, ЖССТ стандартларига нисбатан болаларнинг паст бўйи ўғил болаларнинг 2,21%да ва қиз болаларнинг 2,79 %да кузатилган. Узун бўйли болаларнинг 2,21% ни ўғил болалар, 1,03%ни қиз болалар ташкил қилган.

Ривожланишнинг уйғунлиги ВБИ (BAZ) бўйича аниқланган. Етарли вазнга эга бўлмаган болалар 2,14% ни ташкил этди: ўғил болалар - 2,21%, қиз болалар - 2,03%. ЖССТ стандартлари бўйича нормал ВБИ ўғил болаларнинг 83,2% ва қиз болаларнинг 80,98% ни ташкил этди. Ўғил болаларнинг 9,73 % ва қиз болаларнинг 9,13 % ортиқча вазнга эга бўлса, ўғил болаларнинг 7,08 %да ва қиз болаларнинг 3,06%да семизлик аниқланган (1-расм).



1-расм. 7 ёшдаги болаларда тана массаси индекси (BAZ) кўрсаткичлари

Ўзбекистоннинг ўрганилаётган ҳудудлари шароитида бўй, вазн, ВБИ ва бел айланасининг ўртача кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ўзбекистоннинг 4 та ҳудуди кесимида 7 ёшдаги болаларнинг ўртача антропометрик кўрсаткичлари

Ҳудуд	Жинси	Вазн, кг.	Бўй, см.	ВБИ, кг/м ²	Бел, см.
Тошкент шаҳри (278)	Ўғил болалар	25,61±0,41**	125,87±0,44	16,08±0,19	56,91±0,43*
	Қиз болалар	24,25±0,37	124,67±0,46	15,52±0,17	55,42±0,40
Жиззах вилояти (127)	Ўғил болалар	25,95±0,64	124,84±0,72	16,57±0,32	58,08±0,72
	Қиз болалар	24,06±0,54	122,68±0,72	15,90±0,26	55,02±0,62
Сирдарё вилояти (101)	Ўғил болалар	24,13±0,51**	124,04±0,87	15,59±0,17	55,35±0,56*
	Қиз болалар	23,75±0,55	124,31±1,03	15,32±0,24	53,25±0,57
Тошкент вилояти (340)	Ўғил болалар	25,26±0,37	124,81±0,42	16,12±0,17	56,84±0,41
	Қиз болалар	24,17±0,32	123,72±0,4	15,73±0,15	55,39±0,3

Изоҳ: Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида ўғил болаларда вазн (**- $P < 0,05$) ва бел айланаси (* - $P < 0,01$) кўрсаткичларидаги фарқларнинг ишончилиги қайд этилади.

Ҳудудлар бўйича қуйидаги маълумотлар олинди: ортиқча вазнли болаларнинг энг юқори фоизи Тошкент шаҳрида кузатилган – 10,43 % (ўғил болалар – 11,97 %, қиз болалар – 8,82%). Тошкент вилоятида ортиқча вазнли болалар улуши 9,41 %ни (ўғил болалар – 9,47%, қиз болалар – 9,33 %) ташкил этган. Ортиқча вазннинг энг паст фоизи Сирдарё вилоятида кузатилган – 7,93%, қиз болалар ўртасида бу кўрсаткич юқорироқ бўлган: ўғил болалар – 7,03 %, қиз болалар – 9,1 %. Жиззах вилоятида ҳам ортиқча вазнли қиз болаларнинг улуши ўғил болаларникидан юқори бўлган: вилоят бўйича умумий кўрсаткич 8,66 %ни (ўғил болалар – 7,93, қиз болалар – 9,38 %) ташкил этган. Семизлиги бўлган болаларнинг энг юқори фоизи Тошкент шаҳрида (6,13 %) аниқланган, шундан 7,06% ўғил болалар, 5,16 % қиз болалар ташкил қилган. Сирдарё вилоятида текширилган болалар орасида семизликка мос келадиган ВБИга эга болалар аниқланмаган (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистоннинг 4 та ҳудуди кесимида 7 ёшли болаларнинг жисмоний ривожланиши

Ҳудуд	Жинси	Етарли бўлмаган вазн		Меъёрдаги вазн		Ортиқча вазн		Семизлик	
		Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Тошкент	Умумий	6	2,15	226	81,29	29	10,43	17	6,13
	Ўғил болалар	2	1,4	113	79,57	17	11,97	10	7,06
	Қиз болалар	4	2,94	113	83,08	12	8,82	7	5,16
Жиззах вилояти	Умумий	8	2,35	280	82,35	32	9,41	20	5,89
	Ўғил болалар	7	3,68	149	78,42	18	9,47	16	8,43
	Қиз болалар	1	0,66	131	87,33	14	9,33	4	2,68
Сирдарё вилояти	Умумий	3	2,97	90	89,10	8	7,93	-	-
	Ўғил болалар	1	1,75	52	91,22	4	7,03	-	-
	Қиз болалар	2	4,54	38	86,36	4	9,1%	-	-
Тошкент вилояти	Умумий	1	0,78	108	85,03	11	8,66	7	5,53
	Ўғил болалар	-	-	52	82,53	5	7,93	6	9,54
	Қиз болалар	1	1,56	56	87,5	6	9,38	1	1,56

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, яшаш жойи ҳам болаларнинг ўсиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатади, бу болаларнинг антропометрик кўрсаткичларида тасдиғини топади. Шаҳар ва қишлоқ жойларида болаларда антропометрик ўлчовларни ўтказишда шаҳарда яшовчи болаларнинг бўйи, вазни ва бел айланаси кўрсаткичлари юқори эканлиги аниқланган. Энг юқори фарқ қизлар ўртасида бўй кўрсаткичларида аниқланган (4-жадвал).

4-жадвал

Яшаш жойига кўра 7 ёшдаги болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Шаҳар (n=433)		Қишлоқ (n=413)	
	Ўғил болалар (n=221)	Қиз болалар (n=112)	Ўғил болалар (n=231)	Қиз болалар (n=182)
Вазн, кг	25,50±0,32	24,21±0,27	25,1±0,32	24,03±0,31
Бўй, см	125,51±0,37	124,7±0,37*	124,63±0,37	123,1±0,4*
ВБИ, кг/м ²	16,10±0,15	15,5±0,12	16,1±0,15	15,8±0,15
Бел, см	57,1±0,35	55,4±0,29	56,6±0,37	54,8±0,35

Изоҳ: * - P < 0,01 – шаҳар ва қишлоқларда яшовчи болаларнинг кўрсаткичларидаги фарқларнинг ишончлилиги

Ёшга нисбатан ВБИ маълумотлари бўйича, шаҳарда яшовчи болалар ўртасида етарли тана вазнига эга бўлмаслик 2,1% ни ташкил этди, шундан ўғил болаларда 1,35% ва қиз болаларда 2,8%, қишлоқ жойларда эса худди шу кўрсаткич 2,22% ни ташкил этди, шундан ўғил болалар 3,03% ва қиз болалар - 1,1% ни ташкил этди. Шаҳарда етарли вазнга эга бўлмаслик қиз болаларда, қишлоқ жойларида эса ўғил болаларда кўпроқ кузатилган. Қишлоқ жойларда яшовчи болаларда нормал кўрсаткичлар юқори - 84,2 (ўғил болалар - 81,8%, қиз болалар - 87,36%). Шаҳарда бу кўрсаткич 82,2%ни (ўғил болалар - 80,1%, қиз болалар - 84,4%) ташкил этган. (5-жадвал).

5-жадвал


Яшаш жойига кўра 7 ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари

Яшаш жойи	Жинси	Етарли бўлмаган вазн		Меъёрдаги вазн		Ортиқча вазн		Семизлик	
		Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Шаҳар	Умумий	9	2,1	356	82,2	46	10,6	22	5,1
	Ўғил болалар	3	1,35	177	80,1	26	11,76	15	6,79
	Қиз болалар	6	2,8	179	84,4	20	9,5	7	3,3
Қишлоқ	Умумий	9	2,2	348	84,2	34	8,3	22	5,3
	Ўғил болалар	7	3,03	189	81,8	18	7,8	17	7,37
	Қиз болалар	2	1,1	159	87,36	16	8,8	5	2,74

5-жадвал кўриниб турибдики, ортиқча вазн шаҳарларда яшовчи болаларда кўпроқ учрайди ва 10,6% ни ташкил қилади (ўғил болалар - 11,76%, қиз болалар - 9,5%). Қишлоқ жойларда ортиқча вазн болаларнинг 8,3% да (ўғил болалар – 7,8%, қиз болалар - 8,8%) аниқланган. Қишлоқ жойларда яшовчи болаларда семизлик улуши юқори бўлди - 5,39% (ўғил болалар - 7,37%, қиз болалар - 3%). Шаҳар болалари ўртасида бу кўрсаткич 5,1% (ўғил болалар – 6,79%, қиз болалар – 3,3%)ни ташкил этган.

7 ёшли болаларда ортиқча вазн ва семизликнинг хавф омилларини аниқлаш учун болаларда семизликнинг асосий хавфини баҳолаш ўтказилди, шу билан бирга овқатланиш характери, шу жумладан ҳаётнинг биринчи йили, жисмоний фаоллик, боланинг кун тартиби ва уйқунинг давомийлиги, шунингдек, ота-оналарнинг маълумоти ва замонавий технологияларнинг таъсири баҳоланди.


Ота-оналар ўртасидаги сўровнома ва болаларнинг ривожланиш карталарини (025) таҳлил қилиш асосида 1 ёшгача бўлган болаларнинг овқатланиши бўйича маълумотлар ўрганилган. Болаларда вазн бўй индекси ўзгариши кўкрак сути билан озиқлантириш давомийлигига боғлиқ. Олинган маълумотлар бўйича, 6 ойдан камроқ вақт давомида кўкрак сути билан озиқлантирилган болаларнинг 15,1 %и асосий гуруҳга, назорат гуруҳидаги ва ортиқча вазнли болаларда тенг равишда 6,1% ва 6,8%га тўғри келди. Кўкрак сути билан эмизиш муддати 6 ойдан кам бўлган болаларда семизликнинг нисбий хавфи (RR) 2,72 ни ташкил қилди ($P < 0,05$). 1 йилдан кам вақт давомида кўкрак сути билан озиқлантирилган болалар улуши ҳам худда шундай тенденцияни кўрсатди: семизлиги бўлган болаларда - 30,3%, назорат гуруҳидаги болаларда - 21,5% ва ортиқча вазнли болаларда - 20,7%. 1 йилдан камроқ вақт давомида кўкрак сути билан эмизишда семизликнинг нисбий хавфи 2,29 ни ташкил этди. Бир йилдан ортиқ вақт давомида кўкрак сути билан озиқлантирилган болалар асосий гуруҳда 54,6% ни ташкил этди, бу нормал ВБИ (72,4%, $p < 0,05$) бўлган ва ортиқча вазнли болалар (72,5%, $p < 0,05$) кўрсаткичларидан сезиларли даражада паст (2-расм).



2-расм. Ортиқча вазн ва семизликга эга бўлган болаларда кўкрак сути билан боқиш давомийлиги, оиларда

7 ёшдаги болаларда овқатланиш кўрсаткичлари учун нисбий хавф омилларини баҳолашда, ортиқча вазн ва семизликнинг ривожланишида муҳим хавф бир йилгача сунъий озиклантириш эканлиги аниқланди (RR=3,27, p<0,05) ва кўкрак сути билан озиклантириш муддати 6 ойдан (RR=2,72, p<0,05) ва 1 ёшгача (RR=2,29, p<0,05) кам.

Шунингдек, ота-оналар ўртасида 7 ёшдаги болаларнинг овқатланиш рационали бўйича ўтказилган сўровнома асосида ҳафта мобайнида истеъмол қилинадиган маҳсулотлар частотаси таҳлил қилинган. Маълумки, гўшт, сабзавот ва мевалар боланинг кунлик овқатланиш рационалида бўлиши шарт бўлган маҳсулотлар саналади. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида аниқландики, 66,4% болалар ҳар куни гўшт истеъмол қилишган (5,7% болалар ҳафтасига бир марта), янги мева ва сабзавотларни текширилган болаларнинг ярмидан ками истеъмол қилган: мевалар – 45,9%, сабзавотлар– 41,7%. Ширин алкоғолсиз ичимликлар болаларнинг овқатланиш рационалидан чиқариб ташланиши лозим бўлган маҳсулотлар ҳисобланади, улар рационалниг умумий кунлик калориясини оширади ва организм учун паст озукавий аҳамиятга эга. Таҳлил ушбу турдаги маҳсулотларни текширилган болаларнинг 1/3 қисми (32,7%) истеъмол қилганликларини кўрсатди. Бунда 25,9% бола ширин ичимликларни ҳафтасига 1-3 марта истеъмол қилишган, ва фақатгина 11,4% ота-она фарзандларининг бундай ичимликлар истеъмол қилмасликларини кўрсатишган. (3-расм).




3-расм. 7 ёшдаги болаларнинг 1 ҳафта давомида, гўшт, сабзавот, мева ва ширин ичимликлар истеъмол қилиш частотаси

Аниқландики, ҳафтасига камида 1 марта гўшт–2,33 марта (1,16;4,49, p<0,05), мева– 2,29 марта (1,16;4,49, p <0,05), сабзавот –1,95 (1,01;3,78, P <0,05) истеъмол қилган болаларда семизликнинг ривожланиш хавфи ҳар куни мева истеъмол қиладиган болаларга нисбатан юқорилиги аниқланди. Таркибида шакар сақловчи маҳсулотларни кунлик истеъмол қилгандаги хавф – 2,14 (1,66;2,76, p<0,05) (6-жадвал).

Истеъмол қилинадиган ва сарф қилинадиган калориялар ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши асосий омил эканлигини ҳисобга олган ҳолда, болаларнинг кунлик овқатланиш рационали ва жисмоний фаоллиги ўрганилган. Аниқландики, 4 гуруҳ болаларининг жисмоний фаоллиги назорат гуруҳидаги

болаларникидан паст бўлган. 1 гуруҳда жисмоний фаоллик $155,25 \pm 2,79$ мин. (ўғил болалар - $152,35 \pm 3,87$ мин., қиз болалар - $158,57 \pm 4,03$ мин.); 3 гуруҳда - $123,5 \pm 8,13$ мин. (ўғил болалар - $131,92 \pm 13$ мин., қиз болалар - $105 \pm 15,6$ мин.). натижалар 4-расмда келтирилган. Паст жисмоний фаолликда семириб кетиш хавфи 3,83 мартага ортади, $p < 0,05$ (6-жадвал).



4-расм. 7 ёшдаги болаларда ВБИ кўрсаткичига боғлиқ ҳолда кунлик жисмоний фаоллик

Электрон мосламалардан кўп фойдаланиш ҳам кам ҳаракатчан ҳаёт тарзига сабаб бўлади, бу ҳам ўз навбатида ортиқча вазн ва семизликни ривожланишига учун сабаб бўлади. Тадқиқот маълумотларига кўра, кунига 2 соатдан кўп муддатга электрон мосламалардан фойдаланиш семизликнинг хавфини 1,72 мартага оширади ($p < 0,05$).

6-жадвал

7 ёшдаги болаларда ортиқча вазн ва семизлик омилларининг хавф даражалари

Омил	Хавф даражаси	Ишонч интервали
Боланинг туғилишдаги 4000,0г дан ортиқ вазни	2,04	1,34 – 2,73
7 ёшдаги болаларни ўсиш ва ривожланиш этапларида озикланиши		
Бир ёшгача бўлган болаларда сунъий озиклантириш	3,27	1,03 – 10,42
Кўкрак сути билан камида 6 ой озиклантириш	2,72	1,71 – 3,74
Кўкрак сути билан камида 1 йил озиклантириш	2,29	1,35 – 3,23
Гўшт ҳафтасига 1 мартадан кам истеъмол қилиш	2,33	1,62 – 3,17
Меваларни ҳафтасига камида 1 марта истеъмол қилиш	2,29	1,16 – 4,49
Таркибида шакар сақловчи ичимликларни ҳафтасига 1 мартадан кўп истеъмол қилиш	2,14	1,66 – 2,76
Янги сабзавотларни ҳафтасига камида 1 марта истеъмол қилиш	1,95	1,01 – 3,78
Жисмоний фаоллик ва болаларни уйқу режимига риоя қилиши		
Паст жисмоний фаоллик (кунига 2 соатдан кам)	3,83	3,21 – 4,45
Уйқу давомийлиги 8 соатдан кам	2,7	1,5 – 4,1
Электрон қурилмалардан суткасига 2 соатдан ортиқ фойдаланиш	1,72	1,09 – 2,33

Шундай қилиб, 7 ёшдаги болаларда ортиқча вазн ва семизлик ривожланишининг энг юқори хавф омиллари паст жисмоний фаоллик ($RR=3,83$, $p<0,05$), уйқу давомийлиги суткасига 8 соатдан камлиги ($RR=2,7$, $p<0,05$), бир ёшгача болаларни сунъий овқатлантириш ($RR=3,27$, $p<0,05$) ва кўкрак сути билан озиклантиришни давомийлиги 6 ойдан ($RR=2,72$, $p<0,05$) ва 1 йилдан ($RR=2,29$, $p<0,05$) кам бўлишидир. Хафтада камида бир марта гўшт, мева ва сабзавотларни истеъмол қилмаслик, шунингдек, таркибида шакар сақловчи алкоғолсиз ичимликларни хафтада бир мартадан кўп истеъмол қилиш каби овқатланиш характери ва рационадаги хавфлар ҳам эътиборга лойикдир ва коррекциялаш талаб қилинади. Боланинг туғилишдаги 4000,0г дан ортиқ вазни ҳам ишончли хавф деб ҳисобланади.

Диссертациянинг **“7 ёшдаги ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган болаларда юрак-қон томир тизимининг клиник-функционал бузилишлари”** тўртинчи бобида 7 ёшдаги ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган болаларда юрак-қон томир тизимининг клиник-функционал ҳолатини баҳолаш бўйича артериал қон босими (АБ), электрокардиографик кўрсаткичлар ва юрак уриш маромининг ўзгарувчанлиги (ЮУМУ) таҳлили асосида тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Болаларда АБни ўлчаш натижаларига кўра қуйидаги маълумотлар олинган: болаларда ўртача систолик артериал босим (САБ) $109,75\pm 0,54$ мм сим. уст., ўғил болаларда эса бу кўрсаткич $110,2\pm 0,75$ мм .сим. уст., қизларда $109,5\pm 0,73$ мм.сим.уст., ташкил қилди, диастолик артериал босим (ДАБ) $67,45\pm 0,47$ мм симоб устунини ташкил қилган бўлса, ўғил болаларда бу кўрсаткич $67,5\pm 0,61$ мм.сим. уст., қизларда $67,38\pm 0,70$ мм.сим.уст.ни ташкил қилди.

ВБИга қараб кўрсаткичлар солиштирилганда, семизлиги бўлган болаларда қон босими сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди (8-расм). Меъёрий ВБИга эга болаларда САБ $108,65\pm 0,74$ мм.сим.уст., ўғил болаларда - $108,71\pm 0,92$ мм.сим.уст., қиз болаларда - $108,63\pm 1,01$ мм .сим. уст.га тенг бўлди. Ортиқча вазнли болаларда САБ $110,97\pm 1,15$ мм.сим.уст., ўғил болаларда эса бу кўрсаткич қиз болаларникига қараганда бир оз юқорироқ, $109,44\pm 1,33$ мм.сим.уст.га нисбатан $111,64\pm 1,68$ мм.сим.уст. бўлди. Энг юқори САБ кўрсаткичи семизлиги бўлган болаларда қайд этилган - $112,2\pm 1,16$ мм.сим.уст., бунда ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан САБ юқори бўлган ($112,4\pm 1,69$ мм.сим.уст., ва $111,9\pm 1,69$ мм.сим.уст., $p<0,01$) (5-расм).

Диастолик АБ кўрсаткичлари ҳам, САБ кўрсаткичлари каби семизлиги бўлган болаларда юқори бўлган - $68,25\pm 1,06$ мм.сим.уст.(ўғил болалар – $69,07\pm 1,55$, қиз болалар – $67,1\pm 1,44$). Меъёрий ВБИга эга бўлган болаларда бу кўрсаткич $67,35\pm 0,64$ мм.сим.уст.ни ташкил қилган, ўғил болаларда - $67,36\pm 0,85$ мм. сим. уст., қиз болаларда - $67,33\pm 1,03$ мм.сим.уст. Ортиқча вазнли болаларда ДАБ меъёрий ВБИга эга бўлган болаларга қараганда бир оз юқори бўлган ва $67,03\pm 0,9$ мм. сим. уст., ўғил болаларда - $66,61\pm 1,16$ мм. сим. уст., қиз болаларда - $67,72\pm 1,56$ мм. сим. уст. ни ташкил этган. Худди шундай

маълумотлар адабиётларда ҳам кўрсатилган, бунда диастолик гипертония билан оғриган беморларда гипертониясиз беморларга қараганда юқори ВБИ бўлганлиги қайд этилган (М. Polat et al. 2014).



5-расм. 7 ёшдаги болаларда САБ кўрсаткичлари

Тадқиқот натижаларига кўра, меъёрий тана массаси индекси ва семизликга эга болалар ўртасидаги ЮУМЎ кўрсаткичлари боланинг жинсини ҳисобга олган ҳолда солиштирилганда, асосий статистик жиҳатдан муҳим фарқлар вақт кўрсаткичларида эканлиги аниқланди. Шундай қилиб, ётган ҳолатда зўриқиш индексига (ЗИ) кўра, нормал ВБИ бўлган ўғил болаларда бу кўрсаткич $124,5 \pm 10,68$ ш.б., семизлиги бўлган ўғил болаларда бу кўрсаткич $198,92 \pm 54,49$ ш.б. ($p < 0,05$) ташкил қилган, бу эса семизлик семириб кетган болаларда юрак-қон томир тизимининг ҳолатига бевосита таъсир кўрсатишидан далолат беради. Бу кўрсаткич, шунингдек, семириб кетган болалар стресс ҳолатида яшашини кўрсатади, бу бир мунча вақт компенсация қилиниши мумкин, аммо ҳаётнинг узоқроқ даврида юрак-қон томир тизимининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Қиз болаларда ҳам семизликда ЗИ кўрсаткичининг ўсиш тенденциясини кузатамиз: семизлик – $171,1 \pm 27,23$ ш.б. (нормал ВБИ - $113,54 \pm 23,06$ ш.б., $p > 0,05$). Бошқа индикатор - регуляция жараёнларининг адекватлиги кўрсаткичи (РЖАК) ҳам тадқиқот гуруҳига қараб фарқларни кўрсатди. ВБИ нормал бўлган ўғил болаларда ётган ҳолатда бу кўрсаткич $53,3 \pm 2,32$ ш.б.ни ташкил этган, семизликда эса $63,92 \pm 5,3$ ш.б.га кўтарилган ($p < 0,05$). Бирок, қизларда, семизликда бу кўрсаткичнинг ўсиш тенденциясига қарамасдан ($51,41 \pm 4,71$ ш.б.; $62,36 \pm 7,77$ ш.б.), сезиларли фарқлар топилмаган ($p > 0,05$). Ортостатик синама давомида натижалар нормал ВБИга эга бўлган ўғил болалар ($136,32 \pm 11,86$ ш.б.) ва семизлиги бўлган ўғил болалар ($206,54 \pm 47,56$ ш.б.) ўртасидаги зўриқиш индексига статистик жиҳатдан сезиларли фарқларни кўрсатган, бу $p < 0,05$ қиймати билан тасдиқланган. Қизларда худди шундай тенденция кузатилган, бунда ЗИ нормал ВБИга эга бўлган қизларда

126,77±25,65 ш.б. дан семизлиги бўлган қизларда 232,45±51,5 ш.б. гача кўтарилган ($p<0,05$).

Вегетатив мувозанат индекси ҳам тик турган ҳолатда гуруҳлар ўртасида сезиларли ўзгаришларни кўрсатди: ўғил болаларда ВМИ 177,57±14,28 дан 249,46±49,03 ш.б. гача ($p<0,05$), қизларда эса 159,44±29,83 ш.б. дан 286,1±59,35 ш.б. гача кўтарилган ($p<0,05$), бу тана ҳолатини ўзгартирганда семизликнинг юракнинг автоном регуляциясига таъсирини таъкидлайди.

Меъёрий ВБИга эга бўлган ўғил болаларда тана ҳолатини ўзгартирганда, ЗИ ётган ҳолатда 124,5±10,68 ш.б. дан тик ҳолатдаги 136,32±11,86 ш.б. гача кўтарилган, бу 9,49% га юқори. Бу тананинг ҳолати ўзгарганда автоном нерв тизимининг реактивлигини оширади. Семизлиги бўлган ўғил болаларда ЗИ камроқ даражада ошган, 198,92±54,49 ш.б. дан 206,54±47,56 ш.б. гача, бу 3,83% га ўсишга тўғри келади. Бу семизлик қайд этилган ўғил болаларда вегетатив асаб тизимининг стрессга жавоби паст эканлигидан далолат беради.

ВБИ нормал бўлган қиз болалар ўртасида тана ҳолатини тик турган ҳолатга ўзгартирганда ЗИ 113,54±23,06 ш.б. дан 126,77±25,65 ш.б. гача (11,52% га ортиши) ўсиши кузатилган. Семизлик қайд этилган қиз болаларда бу ўзгариш янада аниқроқ - ЗИ 171,1 ± 27,25 ш.б. дан 232,45 ± 51,5 ш.б. гача ошади, бу 35,94% га сезиларли ўсишни англатади.

Вегетатив тонусни ҳисоблашда парасимпатикотония 8 та болада (6,6%) аниқланган, улардан фақат 1 нафари ўғил бола ва 7 нафари қиз бола, бу қиз болаларда (16,6%) ўғил болаларга (1,3%) нисбатан парасимпатикотонияга анча юқори мойиллик мавжудлигини кўрсатади. Вегетатив тизимнинг нормал тонуси 38 болада (жами 31,6%), шу жумладан 29 ўғил ва 9 қиз болада кузатилган. Бу кўпчилик ўғил болалар (37,1%) нормал тонусга эга эканлигини кўрсатади, қизларда эса бу кўрсаткич 21,4% ни ташкил қилади. Симпатикотония тадқиқотнинг барча иштирокчилари (61,8%) орасида, жумладан 48 ўғил ва 26 қиз энг кенг тарқалган категория бўлди. Симпатикотонияли болаларнинг улуши ўғил болалар (61,6%) ва қиз болалар (62%) ўртасида ўхшаш бўлди, бу иккала гуруҳда ҳам вегетатив тонуснинг ушбу тоифасининг тахминан бир хил тарқалишини кўрсатади.

Болаларни кўриқдан ўтказишда қуйидаги етакчи клиник кўринишлар аниқланди: жисмоний юклама пайтида хансираш 16 болада (13,3%): семизлик қайд этилган болалар гуруҳида - 5 болада (20,8%); ортиқча вазнли болаларда - 17,2%, нормал ВБИ эга бўлган болаларда - 8,9%, 12 болада тез толиқиш (10%): семизлиги бўлган болалардан 4 болада (16,6%), ортиқча вазнли болаларда - 6,9%, нормал ВБИ бўлган болаларда - 5,9% , ҳаддан ташқари терлаш - 7 бола (5,8%): семизлиги бўлган болаларда - 12,5%, ортиқча вазнли болаларда - 6,9%, ВБИ нормал бўлган болаларда - 2,9%, юрак соҳасидаги оғриқлар 8 бола (6,6%): семизлиги бўлган - 2 бола (8,3%), ортиқча вазнли болалар - 10,3%, ВБИ нормал болалар - 4,4%, бош оғриғи 6 бола (5%): семиз болаларда (8,3%), ортиқча вазнли болаларда - 6,9%, нормал ВБИ бўлган болаларда - 2,9%, бўғимларнинг оғриғи эса фақат 1 та семириб кетган болада (4,1%) аниқланган.

Тадқиқот натижалари бўйича АБ, ҳам САБ, ҳам ДАБ ҳамда ЮУМУ кўрсаткичлари билан боғлиқлиги аниқланди. Шундай қилиб, ЗИ кўрсаткичларининг ўзгариши қон босими кўрсаткичларининг ўзгаришига олиб келади, чунки ЗИ симпатик ва парасимпатик асаб тизимининг мувозанатини намоиш этади. Пирсон статистик таҳлилининг ўтказишда ЗИ кўрсаткичи билан тўғридан-тўғри ўртача корреляция аниқланди: САБ ($r=0,61$), ДАБ ($r=0,56$). Болаларда юрак қисқариш частотаси (ЮҚЧ) билан АБ ўртасида ҳам тўғридан-тўғри боғлиқлик аниқланди: САБ ($r=0,48$), ДАБ ($r=0,45$). Болаларда АБ билан ва вазн ўртасида заиф корреляция ўрнатилди: САБ ($r=0,23$), ДАБ ($r=0,17$) ва ёшга нисбатан ВБИ: САБ ($r=0,27$), ДАБ ($r=0,25$). Ушбу маълумотлар болаларнинг жисмоний ривожланиши кўрсаткичлари қон босими кўрсаткичларига таъсир қилишини кўрсатади.

ЭКГ натижаларига кўра, юракнинг функционал бузилишлари бўлган болалар орасида қуйидагилар кўпроқ кузатилганлиги аниқланди: қоринчаларнинг эрта реполяризацияси - 19 болада (31,1%), синус аритмия - 14 болада (22,9%), синус брадикардия - 4 болада (6,5%), синус тахикардия - 2 болада (3,2%), Гисс бойлами ўнг оёқчасининг нотўлиқ блокадаси - 19 болада (31,1%), юрак маромини бошқариш миграцияси - 3 болада (4,9%) ва қоринча ўтказувчанлигининг носпецифик бузилишлари - 13 болада (21,3%). Меъёрий кўрсаткичлар 59 болада (49,2%) аниқланган.

Тадқиқот доирасида болаларнинг ВБИга кўра юрак ритми турли хил бузилишларининг кузатилиш частотаси тақсимооти таҳлил қилинди: меъёрий ВБИга эга бўлган болалар ($n = 67$), ортиқча вазнли болалар ($n = 29$) ва семизлиги бўлган болалар ($n = 24$). Ўтказувчанликнинг носпецифик бузилишлари нормал ВБИга эга бўлган болаларнинг 5,9%да, ортиқча вазнли болаларнинг 13,8 %да ва семизлиги бўлган болаларнинг 20,8%да ($p<0,05$) аниқланди. Қоринчаларнинг эрта реполяризация синдроми нормал ВБИга эга бўлган болаларнинг 8,9 %да, ортиқча вазнли болаларнинг 17,2 %да ва семизлиги бўлган болаларнинг 33,3 %да ($p<0,05$) кузатилган. Гисс бойлами ўнг оёқчасининг нотўлиқ блокадаси нормал ВБИга эга бўлган болаларнинг 11,9 %да, ортиқча вазнли болаларнинг 20,7 %да ва семиз болаларнинг 20,8 %да қайд этилган. Синус тахикардия ва брадикардия кам кузатилган, бу ВБИ ва аритмиянинг ушбу шакллари ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд эмаслигини кўрсатиши мумкин. Тахикардия меъёрий ВБИга эга бўлган болаларнинг 1,4% ва семириб кетган болаларнинг 4,1% да, брадикардия эса мос равишда 1,4%, 3,4% ва 8,3% болаларда кузатилган; синус аритмия - мос равишда 16,4%, 17,2% ва 16,6% болаларда аниқланган. Ушбу кўрсаткичлар турли хил ВБИга эга бўлган болалар ўртасида ушбу бузилишларнинг тенг тақсимланишини кўрсатади. Юрак маромини бошқариш миграцияси нормал ВБИга эга бўлган болаларнинг 1,4 %да ва ортиқча вазнли болаларнинг 6,8%да қайд этилган, аммо семизлиги бўлган болаларда кузатилмаган. Меъёрий кўрсаткич ВБИ нормал бўлган болалар учун 59,7%, ортиқча вазнли болалар учун 41,3% ва семиз болалар учун 29,2% ни ташкил этган (7-жадвал).

7 ёшдаги болаларда юрак фаолиятининг функционал бузилишлари

	Меъерий ВБИ (n=67)		Ортиқча вазн (n=29)		Семизлик (n=24)	
	abs	%	abs	%	abs	%
Ўтказувчанликнинг носпецифик бузилишлари	4	5,9	4	13,8	5	20,8
Қоринчаларнинг эрта реполяризация синдроми	6	8,9	5	17,2	8	33,3
Гисс бойлами ўнг оёқчасининг нотўлиқ блокадаси	8	11,9	6	20,7	5	20,8
Синус тахикардия	1	1,4	0	0	1	4,1
Синус брадикардия	1	1,4	1	3,4	2	8,3
Синус аритмия	7	10,5	3	10,3	4	16,6
Юрак маромини бошқариш миграцияси	1	1,4	2	6,8	0	0

Изох: * - $p < 0,05$, нормал ВБИ ва семизлиги бўлган болалар гуруҳи орасидаги ишончлилик даражаси

Диссертациянинг "7 ёшдаги ортиқча вазли ва семизлиги бўлган болаларда юрак-қон томир тизими касалликлари омиллари ва клиник-функционал маркерлари" бешинчи бобида юрак-қон томир тизимининг клиник- функционал ҳолати ва семизликнинг хавф омиллари бўйича олинган маълумотларнинг корреляцион таҳлил натижалари баён этилган.

Нисбий хавф ва омилларнинг ўзаро корреляция боғлиқликни ҳисоблаш асосида ортиқча вазн ва семизлик частотасига таъсир қилувчи баъзи омиллар юрак-қон томир тизимининг функционал ҳолатига ҳам кўрсатиши аниқланди. Шундай қилиб, тадқиқотимиз натижаларига кўра, ортиқча вазн ва семизлик ҳолатларига таъсир қилувчи баъзи омиллар юракнинг функционал ҳолатига ҳам таъсир қилиши аниқланган. Омилнинг кузатилиш частотаси ва функционал бузилишлар частотаси ўртасидаги нисбий хавф ҳисоблаб чиқилган.

Шу билан бирга, ушбу омиллар ўртасида ўзаро мўътадил корреляция мавжуд: кунига 2 соатдан ортиқ электрон қурилмалардан фойдаланган ҳолда кам жисмоний фаоллик ($r=0,3$) ва таркибида шакар сақловчи маҳсулотларни истеъмол қилиш ($r=0,2$). Таркибида шакар сақловчи маҳсулотларни истеъмол қилиш билан кунига 2 соатдан ортиқ электрон қурилмалардан фойдаланиш ($r=0,34$). Шунингдек жисмоний фаоллик билан артериал қон босими ўртасида ҳам боғлиқлик мавжуд: САБ (0,30), ДАБ (0,31).

8-жадвал

Ортиқча вазн ва семизликга эга бўлган 7 ёшли болаларда юрак-қон томир тизими функционал бузилишларининг хавф омиллари

№	Хавф омили	Функционал бузилишлар	Функционал бузилишларсиз	Хавф даражаси	Ишонч интервали (95%)
1	Кам жисмоний фаоллик	24/70,5%	10/29,5%	2,38	1,17-3,6
2	Кунига 2 соатдан ортиқ электрон қурилмалардан фойдаланиш	27/62,8%	16/37,2%	2,27	1,19-3,36
3	Таркибида шакар сақловчи маҳсулотлар, алкоғолсиз ичимликларни истеъмол қилиш	25/62,5%	1,5/37,5%	2,24	1,15-3,32

Изоҳ: $p < 0,05$ – Солиштирув гуруҳлари орасидаги ишончлилик даражаси.

Жисмоний фаоллик ва ЮУМЎ кўрсаткичлари: АМО ($r=0,29$), ЗИ ($r=0,24$), РЖАК ($r=0,26$) ва спектрал индикатор HF ($r=-0,25$) ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳам аниқланди. Шундай қилиб, ушбу кўрсаткичлар билан корреляция муносабатларига асосланиб, паст жисмоний фаоллик юқори симпатик тонус билан боғлиқлигини таъкидлаш мумкин, бу юқори ЗИ индикаторидан ва парасимпатик асаб тизими учун жавобгар бўлган паст HF спектрал кўрсаткичидан кўринади. Нерв тизимининг мослашувчан потенциалини кўрсатадиган РЖАК шуни кўрсатадики, паст жисмоний фаоллик билан болаларда мослашувчан потенциал пасаяди, бу юрак-қон томир тизимининг функционал ҳолатига салбий таъсир қилади. Бу кўрсаткичлар жисмоний фаолликнинг вақтинчалик ЮУМЎ кўрсаткичлари билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги аниқланди: RMSSD ($r=-0,23$), SDNN ($r=-0,23$), pNN50% ($r=-0,22$).

Ўтказилган тадқиқотлар асосида 7 ёшли ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган болаларда юракнинг функционал бузилишларининг асосий белгилари аниқланган. Спектрал таҳлиллар асосида функционал бузилишлари бўлган болаларда симпатик асаб тизимининг фаолияти спектрал кўрсаткичларга кўра устун эканлиги аниқланган (9-жадвал).

9-жадвал

Спектрал кўрсаткичларга кўра функционал бузилишлари

№	Кўрсаткич	Функционал бузилишларсиз	Функционал бузилишлар мавжудлиги
1.	LF, м ²	721±29,36	779±18,68
2.	HF, м ²	843±30,65	736±21,18*
3.	LF/HF	0,89±0,05	1,10±0,04**
4.	Зўриқиш индекси (ЗИ) ш.б.	100,13±10,77	170,6±14,4*

Изоҳ: * - $p < 0,05$ и ** $p < 0,01$ – Солиштирув гуруҳлари орасидаги ишончлилик даражаси.

Нисбий хавфни ҳисоблашда, LF/HF спектрал кўрсаткичларининг нисбати 1,0 дан юқори бўлса, функционал бузилишлар хавфи 1,77 ни ташкил қилади (1,01-2,55, $P < 0,05$). Бу бошланғич вегетатив тонус маълумотлари билан ҳам тасдиқланади: симпатикотонияли болаларда функционал бузилишларнинг частотаси 63,5%, эйтонияли болаларда - 31,5%, парасимпатикотонияли болаларда - 25%.

Шундай қилиб, бунинг асосида стресс индекси функционал бузилишларининг частотасига қараб ҳисоблаб чиқилди ва функционал бузилишлари бўлган болаларда зўриқиш индекси функционал бузилишлари бўлмаган болаларга қараганда сезиларли даражада юқори ва, зўриқиш индекси 130 ш.б. дан юқори бўлса, функционал бузилишлар хавфи 1,94 (1,18-2,71, $p < 0,05$) ни ташкил қилади.

Диссертациянинг **"7 ёшдаги ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган болаларда юрак-қон томир тизимининг функционал бузилишларини олдини олиш дастури"** олтинчи бобида аниқланган хавф омиллари ва клиник-функционал маркерлар асосида 7 ёшдаги болаларда юрак-қон томир тизими функционал бузилишларини олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган дастур тақдим этилган.

Ишлаб чиқилган дастур 2 асосий йўналишдан иборат: биринчи йўналиш - овқатланиш бузилиши, жумладан, ортиқча вазн ва семизлик, ҳамда, уларнинг ривожланиш хавф омилларини эрта аниқлаш; иккинчи йўналиш - болаларда хавф омилларини эрта аниқлаш ва юрак-қон томир тизимининг функционал бузилишларининг олдини олишдан иборат.

Олинган маълумотлар асосида 2 модулдан иборат «ChildFit Monitor», компьютер дастури ишлаб чиқилган. Биринчи модул болаларнинг ўсиш ва ривожланишини мониторинг қилиш ва баҳолашга қаратилган. Ушбу дастур боланинг ривожланишини барча параметрлари - вазн, бўй ва ВБИ бўйича тўлиқ баҳолашни таъминлайди.

Иккинчи модул семизликнинг хавф омилларини аниқлашга қаратилган сўровнома асосида ишлаб чиқилган. Математик моделлаштириш ёрдамида, ҳар бир хавф учун баллар ҳисоблаб чиқилди ва хавф даражалари аниқланди.

7 ёшдаги болалар учун янги масъулиятли ҳаёт босқичининг бошланиши, яъни болаларнинг мактабларда таълим олишининг бошланиши эканлигини ҳисобга олсак, бу болаларнинг турмуш тарзини, кундалик режимини ва овқатланишини ўзгартиради, бу эса ақлий зўриқишнинг кучайиши ва жисмоний фаолликнинг пасайишига олиб келади. Шу сабабли, ҳамда ортиқча вазн ва семизликнинг хавф омиллари бўйича олинган маълумотлар, профилактика дастуридаги чора-тадбирлар оила, мактаб ва боланинг ўзини қамраб олиши зарур. Юрак-қон томир тизими функционал бузилишлари ва артериал гипертензияни ҳар бир хавфи баллар ёрдамида ҳисоблаб чиқилди ва кейинчалик ортиқча вазн ва семизликнинг олдини олишга ёрдам беради.

Ҳаётнинг 1-йилидаги болаларнинг овқатланиши, хусусан кўкрак сути билан озиқлантириш ва унинг давомийлигини, кейинги йилларида семизликни хавфи юқори эканлигини ҳисобга олиб, оилаларда ҳомиладор аёлларни тўғри

овқатланиш ва парваришини жорий этиш, бўлғуси она ва барча оила аъзоларини болани туғилгандан кейинги биринчи соатдан бошлаб, биринчи 6 ой давомида фақат она сути билан эмизиш ва 2 йилгача ёки ундан кўп давом эттиришга тайёрлаш, 6 ойликдан бошлаб ўз вақтида қўшимча овқатларни киритиш зарур.

Ҳаётнинг кейинги йилларида болалар жисмоний фаол бўлишлари, телевизор ва электрон гаджетларни томоша қилиш вақтини қисқартиришлари, тўғри овқатланишлари – таркибида шакар сақловчи озиқ-овқат ва газланган ичимликлар истеъмолини меъёрдан оширмасликлари ва чеклашлари, ҳар куни етарли миқдорда мева ва сабзавотлар истеъмол қилишлари лозим.

Мактабларда жисмоний фаоллик учун оптимал шароитлар яратиш, мактаб яқинида ва ичида зарарли маҳсулотларни сотишни тақиқлаш, соғлом турмуш тарзи бўйича қўшимча машғулотлар ташкил қилиш зарур.

Семизлиги бўлган болалар доимий равишда жисмоний ривожланиш ва юрак-қон томир тизимининг функционал кўрсаткичларини мунтазам мониторинги ва мутахассислар назорати остида бўлиши керак. Семизлик ва ортиқча вазнли болаларда клинко-функционал бузилишлар олдини олиш ва коррекциялаш алгоритми 6 расмда келтирилган.

Ишлаб чиқилган дастурнинг самарадорлиги икки йўналиш бўйича кросс-валидация усули орқали баҳоланди: семизлик хавф омилларини ва юрак-қон томир тизими бузилишлари маркерларини баҳолаш, бунда самарадорлик кўрсаткичлари мос равишда 79,25% ва 83,18% ни ташкил етди. Бу натижалар дастурнинг ишончлилики даражаси ва башорат қилиш қобилияти юқори эканлигини, шунингдек, болаларда семизлик ва юрак-қон томир тизими бузилишларини олдини олиш учун амалиётда қўллаш мумкинлигини кўрсатади.




Рис.6. 7 ёшдаги ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган болаларда клинко-функционал узгаришларни коррекцияси, профилактика ва аниқлаш алгоритми

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, юрак ўзгарувчанлигининг спектрал кўрсаткичларининг нисбати LF/HF ва зўриқиш индекси юрак-қон томир тизими касалликларининг клиник-функционал маркерлари деб ҳисобланади. Ушбу бузилишларнинг асосий омиллари кам жисмоний фаоллик, кунига 2 соатдан ортиқ электрон қурилмалардан фойдаланиш ва таркибида шакар сақловчи маҳсулотларни истеъмол қилиш ҳисобланади. Шу билан бирга, кам жисмоний фаоллик 7 ёшдаги болаларда артериал гипертензия ривожланишининг ўртача хавфини келтириб чиқаради. Таъкидлаш лозимки, кам жисмоний фаоллик билан бирга, кўкрак сути билан эмизмаслик ёки етарли муддат давом эттирмаслик ҳам ортиқча вазн ва семизлик ривожланиши учун сезиларли хавф омилларидир.

ХУЛОСА

1. 7 ёшдаги болаларда ортиқча вазн ва семизлик Тошкент шаҳри, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида долзарб муаммо эканлиги исботланган, ортиқча вазнли (10,43%) ва семизлиги бўлган (6,13%) болаларнинг энг кўп фоизи Тошкент шаҳрида аниқланган. Яшаш жойи болаларнинг жисмоний ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Шаҳарларда яшовчи болаларда ортиқча вазнли болалар фоизи (10,6%) шаҳарларда, семизлиги бўлган болалар фоизи (5,3%) эса қишлоқларда кўпроқ кузатилган.

2. 7 ёшдаги болаларда ортиқча вазн ва семизлик ривожланишининг омиллари орасида энг юқори хавфли деб қўйидагилар исботланган: паст жисмоний фаоллик ($RR=3,83$, $p<0,05$), уйқу давомийлиги 8 соатдан камлиги ($RR=2,7$, $p<0,05$) ва электрон қурилмалардан суткасига 2 соатдан ортиқ фойдаланиши ($RR=1,72$, $p<0,05$); муҳим таъсирли боланинг ўсиш ва ривожланиш давриларидаги овқатланиш характери: бир йилгача сунъий озиқлантириш ($RR=3,27$, $p<0,05$) ва она сути билан озиқлантириш давомийлиги 6 ойдан ($RR=2,72$, $p<0,05$) ва 1 йилдан ($RR=2,29$, $p<0,05$) кам бўлиши; ҳозирги даврда - ҳафтада камида бир марта гўшт ($RR=2,33$, $p<0,05$), мевалар ($RR=2,29$, $p<0,05$) ва сабзавотларни ($RR=1,95$, $p<0,05$), ҳафтада бир мартадан кўп таркибида шакар сақловчи алкогольсиз ичимликларни ($RR=2,14$, $p<0,05$) истеъмол қилиш. Боланинг туғилишдаги 4000,0г дан ортиқ вазни ҳам ишончли ($RR=2,04$, $p<0,05$) хавф деб ҳисобланади.

3. Семизлиги бўлган болаларда нормал ва ортиқча вазнли болаларга нисбатан симпатик асаб тизимининг юқори фаоллиги ҳамда компенсатор потенциаллини пастлиги аниқланган. Семизлиги бўлган болаларга юрак-қон томир тизимининг функционал бузилишлари юқори фоизида (70,8%, $p<0,05$) мосдир: уларда қоринчаларнинг эрта реполяризацияси синдроми (33,3%, $p<0,05$) ва юрак ўтказувчанлигининг ўзига хос бўлмаган бузилишлари (20,8%, $p<0,05$) кўпроқ ривожланади.

4. 7 ёшдаги ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган болаларда юрак-қон томир тизими бузилишларига олиб келувчи омиллардан энг юқори хавфли бу, паст жисмоний фаоллик ($RR=2,38$, $p<0,05$), кунига 2 соатдан ортиқ электрон қурилмалардан фойдаланиш ($RR=2,27$, $p<0,05$) ҳамда таркибида шакар

сақловчи ва ширин салқин ичимликларни кўп истеъмол қилиш ($RR=2,24$, $p<0,05$) каби омиллардир. Ўзаро боғлиқликка асосан паст жисмоний фаоллик юқори симпатик тонус, шунингдек, асаб тизимининг паст мослашувчан потенциали билан боғлиқ. Бу артериал гипертензия ривожланишида намоён бўлади ва артериал қон босими билан бевосита боғлиқлик тасдиқланади: САБ ($r=0,30$, $p <0,05$), ДАБ $r=0,31$, $p <0,05$).

5. 7 ёшдаги ортиқча вазнли ва семизлиги бўлган болаларда юрак-қон томир тизими функционал бузилишларининг белгилари симпатик асаб тизимининг юқори фаоллиги ва зўриқиш индексидир. LF/HF ($1,10\pm 0,04$, $p<0,01$) спектрал кўрсаткичларининг нисбати 1,0 дан юқори бўлса ва зўриқиш индекси ($170,6\pm 14,4$, ш.б., $p<0,01$), функционал бузилишлар хавфи ($RR=1,77$ ва $RR=1,94$ ни мос равишта ташкил қилади. Бу бошланғич вегетатив тонус маълумотлари билан ҳам тасдиқланади: симпатикотонияли болаларда функционал бузилишларнинг частотаси 63,5%, эйтонияли болаларда - 31,5%, парасимпатикотонияли болаларда - 25%.

6. Оила, мактаб ва боланинг ўзи даражасида овқатланиш тамойилларини ўзгартиришга қаратилган 7 ёшли болаларда юрак-қон томир тизими функционал бузилишларининг олдини олиш дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур болаларда ортиқча вазн ва семизликни, уларнинг ривожланиш омилларини ерта аниқлашга, шунингдек, юрак-қон томир тизими функционал бузилишларини ўз вақтида бартараф етишга имкон беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ПОПЕНКОВ АРТУР ВИКТОРОВИЧ

**ФАКТОРЫ РИСКА И КЛИНИКО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ МАРКЕРЫ
НАРУШЕНИЯ СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТОЙ СИСТЕМЫ У ДЕТЕЙ 7
ЛЕТ С ИЗБЫТОЧНЫМ ВЕСОМ И ОЖИРЕНИЕМ**

14.00.09 - Педиатрия

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО МЕДИЦИНСКИМ
НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за №B2022.2.PhD/Tib2734.

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tashpmi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель:

Ахмедова Дилором Ильхамовна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Шамансурова Эльмира Амануллаевна
доктор медицинских наук, профессор

Камилова Алтиной Турсунбаевна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

**Центр развития профессиональной
квалификации медицинских работников**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2024г. в ____ часов на заседании Научного совета PhD 04/30.12. 2019.Tib.29.01 при Ташкентском Педиатрическом Медицинском Институте (Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+99871)-262-33-14, e-mail:mail@tashpmi.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за №____). (Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223.Тел.: (+99871) 262-33-14.).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2024 года.
(Реестр протокола рассылки № ____ от «__» _____ 2024 года).

А.В. Алимов

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Т.А. Набиев

Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук

А.М. Шарипов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По результатам эпидемиологических исследований, в последние десятилетия избыточный вес и ожирение с выраженной динамикой их роста в детском возрасте стали одной из важнейших глобальных проблем в мире. По данным Всемирной Организации Здравоохранения (ВОЗ), «...в 2022 году более 390 млн. детей и подростков в возрасте 5–19 лет имели избыточный вес, из них 160 млн. страдали ожирением. Распространенность избыточного веса и ожирения среди детей и подростков в возрасте 5–19 лет резко возросла с 8% в 1990 году до 20% в 2022 году. Почти половина детей до 5 лет с избыточным весом и ожирением в 2022 году проживали в Азии». Избыточный вес и ожирение в детском возрасте непосредственно влияет на состояние здоровья детей и сопровождается повышением риска и ранним развитием неинфекционных заболеваний: сахарного диабета 2 типа, сердечно-сосудистых заболеваний и др¹. Ожирение в детском возрасте приводит к заболеваниям сердечно-сосудистой системы во взрослом возрасте². Однако уже в возрасте 7-9 лет у детей можно обнаружить признаки атеросклеротического поражения сосудов, а дисфункцию эндотелиальных клеток - и в более раннем возрасте³.

Во всем мире большое внимание уделяется проведению научных исследований, направленных на профилактику неинфекционных заболеваний начиная с детства. Особое значение имеет совершенствование программы организационных и профилактических мероприятий на основе определения частоты избыточного веса и ожирения, а также факторов, обуславливающих их развитие. Изучение функциональных особенностей сердечно-сосудистой системы детей с избыточным весом и ожирением, определение факторов риска и основных клинико-функциональных маркеров нарушений сердечно-сосудистой системы у детей с избыточной массой тела и ожирением, а также разработка программы их профилактики является одной из актуальных научных проблем в мире.

В нашей стране проводятся широкомасштабные реформы по усилению охраны материнства и детства, включающие разработку и внедрение программ профилактики болезней среди матерей и детей, обеспечения гармоничного развития и здоровья детей путем правильного питания и повышения физической активности, формирования навыков здорового образа жизни⁴. В Узбекистане дети 0-17 лет составляют 34,9% от общей численности населения, их здоровье и благополучие являются приоритетным направлением политики нашего государства. В связи с этим, в настоящее время в мире

¹ ВОЗ. Ожирение и избыточная масса тела. 2024. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/obesity-and-overweight>

²Sommer A, Twig G. The impact of childhood and adolescent obesity on cardiovascular risk in adulthood: a systematic review. *Curr Diab Rep.* 2018; 18:91

³Hedvall Kallerman P, et al. Obese children without comorbidities have impaired microvascular endothelial function. *Acta Paediatr.* 2014; 103:411

⁴ Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-216 от 25.04.2022 г. «Об усилении охраны материнства и детства в 2022–2026 годах»

актуальной проблемой является обеспечение гармоничного развития и здоровья детей путем профилактики избыточного веса и ожирения, а также их последствий, таких как заболевания сердечно-сосудистой системы.

Данное диссертационное исследование будет способствовать реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» и Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-216 от 25 апреля 2022 г. «Об усилении охраны материнства и детства в 2022-2026 годах», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В ведущих медицинских университетах и клиниках мира проводятся многочисленные исследования по изучению проблем ожирения у детей. По результатам исследований выявлено, что внутриутробные нарушения, наличие ожирения у матери до беременности, вредные привычки матери во время беременности увеличивают риск развития ожирения у детей в несколько раз (Baran J, et.al., 2020, С.37); недоношенность также является одним из факторов избыточной массы тела и ожирения (Wallby T., 2017, С.48-53); рождение ребенка с избыточным весом имеет отдаленные последствия развития ожирения у детей в более позднем возрасте (Zou Z., et.al., 2019; Rito Al., et.al., 2019; Lee J.W., et.al., 2019). Выявлено, что дети, рожденные путем кесарева сечения, более чем в 1,5 раза имеют больший риск развития ожирения к подростковому возрасту (Mueller N.T., et.al., 2017; Blustein J., et.al., 2017). Установлено, что ожирение у родителей также служит предиктором развития ожирения у их детей. Если у одного из родителей имеется ожирение, то риск развития ожирения у ребенка увеличивается в 2-3 раза, а при наличии ожирения у обоих родителей риск возрастает в 15 раз (Weihrauch-Blüher S., et.al., 2018; Martínez-Villanueva J., et.al., 2019). Особое место в развитии избыточного веса и ожирения имеет физическая активность и образ жизни детей.

Результаты научных исследований, проводимых учеными стран СНГ, свидетельствуют от том, что к избыточному весу и ожирению приводит низкая физическая активность, пропуск завтраков и недостаточное количество овощей в дневном рационе (Намазова-Баранова Л.С., с соавт., 2019). Выявлено также, что все факторы избыточного веса и ожирения имеют взаимное влияние, многие из которых возможно нивелировать профилактической беседой с родителями и преподавателями (Чубаров Т.В., с соавт., 2021).

Известно, что ожирение у детей влияет на все органы и системы. Установлено, что решающую роль на всех иерархических уровнях адаптации играет сердечно-сосудистая система. Наличие ожирения в детском возрасте приводит к заболеваниям сердечно-сосудистой системы во взрослом возрасте (Нетребенко О.К. с соавт., 2017). По данным многочисленных исследований выяснено, что дети и подростки с ожирением имеют высокий риск внезапной смерти, частой причиной которой является наличие у детей данного контингента сердечно-сосудистых заболеваний.

Узбекскими учеными проведены и продолжаются научные исследования, посвященные изучению вопросов избыточного веса и ожирения у детей (Исследование по питанию в Узбекистане, 2019; Агзамова Ш.А., Хасанова Г.М., 2022). Тем не менее, недостаточно работ, посвященных определению факторов риска и клинико-функциональных маркеров нарушения сердечно-сосудистой системы у детей 7 лет с избыточным весом и ожирением. В нашей стране не проводились широкомасштабные исследования с использованием международных инструментов, рекомендованных ВОЗ, по выявлению приоритетных факторов избыточного веса и ожирения на этапах роста и развития у детей 7 лет, т.е. в том возрасте, когда дети переходят на другой образ жизни, связанный с началом обучения.

В связи с этим, одной из важных проблем является проведение исследований по определению частоты и факторов избыточного веса и ожирения у детей 7 лет, раннему выявлению у детей данного контингента факторов риска и клинико-функциональных маркеров нарушения сердечно-сосудистой системы, а также их профилактики.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена согласно плану научно-исследовательских работ, Ташкентского педиатрического медицинского института, в рамках научно-исследовательского направления №01980006703 «Диагностика, лечение и профилактика врожденных и приобретенных заболеваний у детей».

Цель исследования на основе определения частоты и факторов развития избыточного веса и ожирения у детей 7 лет в 4 регионах Узбекистана установить факторы риска и клинико-функциональные маркеры нарушений сердечно-сосудистой системы у детей 7 лет с избыточным весом и ожирением.

Задачи исследования:

определить частоту избыточного веса и ожирения среди детей в возрасте 7 лет в 4 регионах Республики Узбекистан и оценить показатели среди детей, проживающих в городах и сельской местности;

оценить основные факторы, приводящие к избыточному весу и ожирению у детей, в изученных регионах Республики Узбекистан;

определить клинико-функциональные нарушения сердечно-сосудистой системы у детей с избыточным весом и ожирением;

на основе корреляционных взаимосвязей определить основные факторы и клинико-функциональные маркеры нарушения сердечно-сосудистой системы у детей с избыточным весом и ожирением;

разработать программу профилактики функциональных нарушений сердечно-сосудистой системы у детей 7 лет на основе раннего выявления у них избыточного веса и ожирения, а также факторов их развития.

